

Лойиха олди ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пудрат

ШАРТНОМАСИ

2022 йил « 1 » декабр

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ваҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б.Сатимбоев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Лойихачи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти» МЧЖ ва унинг раҳбари С.Курбонов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Лойихачи”: Шаҳрихон тумани Якка тут МФЙ Х.Олимжон кўчасидаги мавжуд 1 та сув қудуғи таъмирталаб учун лойиха олди ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ЛОТ № 22110012193318. объекти бўйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва объект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар ҳаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Лойихачи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойихалаш топшириқларида кўрсатиб ўтилган ишларни « _____ » ҳақидаги ШНК 1.02.09-15 коида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқларда назарда тутилади.

1.4 “Лойихачи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан белгиланган

1.5 “Лойихачи” “Буюртмачи”нинг руҳсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Лойихачи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш ҳисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1 “Лойихачи”нинг мажбуриятлари:

- “Лойихачи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган ҳолларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Лойихачи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг руҳсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Лойихачи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Лойихачи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиха ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома қиймати **13500000 Ўн уч миллион беш юз минг** Бундан **“Буюртмачи”** томонидан **“Лойихачи”**га 2022 йилда ЛСХ харажати қийматининг **30 фоизлик** миқдорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **4050000 тўрт миллион эллик минг** сўмни ташкил қилади.

3.2 Қолган **9450000 тўққиз миллион тўрт юз эллик минг** сўм тўлов 2022 йилда ушбу объект учун бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади.

3.3 **“Буюртмачи” “Лойихачи”**дан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 **“Лойихачи”** томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 **“Лойихачи”** ишларни бажариб бўлгач, **“Буюртмачи”**га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 **“Буюртмачи”** мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш–қабул қилиш далолат-номасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида **“Буюртмачи”**нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 **“Буюртмачи”** ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни яқунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 **“Буюртмачи”** тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳақозо) учун **“Буюртмачи”** тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% ҳажмида пеня тулайди.

5.3 **“Буюртмачи”** олган мажбуриятини бажармаган тақдирда **“Лойихачи”** ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 **“Лойихачи”** шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун **“Буюртмачи”**га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(боскичлар)да камчилик ва нуксонлар пайдо бўлганда “Лойихачи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Лойихачи” ўтган боскич учун ҳисоб бермаса, кейинги боскич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топширик) ларга мос келмаса ва иш ҳажмлари тўлиқ лойиха-смета ҳужжатларига киритилмаган ҳолда, “Лойихачи” ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга ҳақли, “Лойихачи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдориди жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета ҳужжатларида камчилик ва нуксонлар аниқланган тақдирда “Лойихачи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Лойихачи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мосравишда орқага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Лойихачи” ва “Буюртмачи” қурилишни давомэттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамага келаолмасалар, томонларнинг ҳар қайси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Лойихачи”учун «форс–мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

7. Қўшимчашартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, “Лойихачи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Лойихачи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошқармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан қўриб чиқилади

10. Томонларнинг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ

“Узсувтаъминот” АЖ

«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК
Андижон вилоят ҳудудий

Андижон шаҳри, Чинабод ко'часи 59-уй.
Тел: 8 (374) 228-86-69 Узсаноатқурилишбанк-
МФО-00075 Х/Р. 20210000700974345001.
ИНН: 305980724. ОКОНХУ-90213

ШХР: 301821860034017063201110066.

Андижон вилояти газначилик бошқармаси.

Каз. с/с: 23402000300100001010

МБББ ХККМ. г. Ташкент МФО 00014

СТИР Каз. н/с: 201372019



Бошқарма бошлиғи

Б. Сатимбоев

Ҳуқуққўнос:

Г. Атаханов

ЛОЙИҲАЧИ

СТ “Сув таъминоти” МЧЖ

Андижон ш. Чинабод кўча 14-уй

Тел (90) 253-42-49

Х/Р: 20208000200189885001

“Агробанк” Андижон ш.

СТИР: 201221644

МФО: 00077,

Рахбар

С. Курбонов

